

Инвестиция фондларига инвестицияларни жалб этиш халқаро амалиёти

Мунира Баходировна Султонбоева

Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети

Замира Бахтиёровна Ирматова

Г.В.Плеханова номидаги Россия иқтисодиёт университети Тошкент
филиали

Аннотация: Инвестиция фондлари капитални тўплаш ва тақсимлаш механизмларини таъминлаб, замонавий иқтисодиётда асосий ўрин тутди. Бундай фондларга сармояларни жалб қилиш улар фаолиятининг муҳим йўналиши бўлиб, бу борадаги халқаро амалиёт ранг-баранг ва серкиррадир. Ушбу мақолада глобал миқёсда инвестиция фондларига инвестицияларни жалб қилишнинг асосий ёндашувлари ва усуллари муҳокама қилинади, уларнинг афзалликлари ва камчиликлари таҳлил қилинади, шунингдек, турли мамлакатларнинг муваффақиятли тажрибаси мисоллари келтирилган.

Калит сўзлар: инвестиция, инвестицион фондлар, жаҳон амалиёти, реал сектор, актив

International practice of attracting investments to investment funds

Munira Bakhodirovna Sultanboeva

Polytechnic University of Turin in Tashkent

Zamira Bakhtiorovna Irmatova

Tashkent branch of Russian University of Economics named after
G.V.Plekhanova

Abstract: Investment funds play a key role in modern economies, providing mechanisms for the accumulation and distribution of capital. Attracting investments in such funds is an important aspect of their activities, and international practice in this area is diverse and multifaceted. This article discusses the main approaches and methods of attracting investment in investment funds at the global level, analyzes their advantages and disadvantages, and also presents examples of successful experience from various countries.

Keywords: investments, investment funds, world practice, real sector, asset

Жаҳон амалиётидан кўриш мумкинки, ривожланган мамлакатларда иқтисодиётнинг реал секторига киритилаётган инвестициялар ҳажмини оширишда молиявий воситачилик билан шуғулланувчи фонд ва муассасалар юқори ўринни эгаллайди. Бугунги кунда қимматли қоғозлар бозори аҳоли пул жамғармаларининг инвестицияларга айланишини таъминловчи энг самарали институтлардан бири бўлиб қолиш билан бирга, реал сектор корхоналари учун инвестиция ресурсларини жамлаш ва тақсимлаш вазифасини ҳам бажармоқда.

Жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида инвестиция фондлари иқтисодиётга инвестицияларни жалб этиш учун ва пул маблағларига эҳтиёжи мавжуд ортиқча пул маблағларига эга хўжалик субъектлари ўртасида ўзаро манфаатли муносабатларни амалга оширишга хизмат қилувчи асосий молиявий муассаса бўлиб ҳисобланади. Ҳозирда мазкур муассасалар самарадорлигини оширишда инвестиция фондлари ҳаракати ва уларни бошқариш механизмини такомиллаштириш, молиявий ресурсларни самарали тақсимлаш, инвестиция фондлари пул оқимларининг истиқболдаги стратегияларини асослаш, уларни тартибга солишнинг инновацион йўналишларини ишлаб чиқиш, инвестиция жараёнини кучайтириш орқали барқарор иқтисодий ривожланишни таъминлаш, самарали инвестиция сиёсатини амалга оширишда институционал тузилмалар фаолиятини такомиллаштириш каби асосий илмий йўналишларга эътибор қаратилмоқда.

Бугунги кунда жаҳонда фондларга жалб қилинган инвестиция ҳажмини кўйидаги жадвал орқали таҳлил қилиб кўрамиз.

1-жадвал.

Дунё бўйлаб тартибга солинадиган очик фондларга инвестиция қилинган жами активлар улуши (2023 йил)¹.


Дунё бўйлаб тартибга солинадиган очик фондларга инвестиция қилинган жами активлар: * 68,9 триллион АҚШ доллари			
АҚШ 33.6 триллион доллар	Европа 21.5 триллион доллар	Осиё-Тинч океани худуди 9.7 триллион доллар	Дунёнинг қолган қисми 4 триллион доллар

2023 йил маълумотларига кўра, инвестиция фондларининг умумий капитали биргина Америка Қўшма Штатларида 33.6 триллион АҚШ долл.ни, дунё бўйича эса 68.9 триллион АҚШ долл.ни ташкил этган. Шундан 53,1 фоизи АҚШга, 31 фоизи Европа мамлакатларига, 14 фоизи Осиё-Тинч океани мамлакатларига ва 6 фоизи Лотин Америкаси давлатларига тўғри келади.

Юқоридаги расмдан кўришимиз мумкинки дунё бўйлаб тартибга солинадиган фондларнинг умумий соф активлари ҳажмини катта қисмини Америка қўшма штатлари улишии тўғри келмоқда. Расмдан кўришимиз мумкинки 2013 йилдан 2021 йилга бўлган жараёнда кўрсаткичлар ўсиш

¹ <https://www.icifactbook.org/pdf/2024-factbook.pdf>

денденциясига эга. Дунёда юз берган пандемия фонларга салбий таъсир этмаган. Аммо дунёдаги геосиёсий жараёнлар 2022 йилдаги пасайишга ўз таъсирини ўтказган. Бутун дунё бўйлаб тартибга солинадиган фондларнинг умумий соф активлари ўтган йилдаги кескин пасайишдан сўнг 2023-йилда қисман тикланди (1-расм).



1-расм. Дунё бўйлаб тартибга солинадиган очик фондларнинг умумий соф активлари².

Макроиктисодий ва геосиёсий омилларнинг уйғунлашуви 2023-йилда жаҳон капитал бозорларига таъсир кўрсатди, натижада асосий фондлар қиймати сезиларли даражада ошди. 2023 йилда молиявий бозорларни ҳаракатга келтирувчи омилларга қуйидагилар киради:

- Кўпгина ҳудудларда инфляция кутилганидан тезроқ пасайди;
- Марказий банкнинг синхронлаштирилган сиёсати инфляция кутилмаларини ушлаб туришга ёрдам берди ва жаҳон молия тизимига маълум барқарорликни таъминланди.

2-жадвал.

Инвестиция фондларига инвестицияларни жалб қилиш ёндашувлари³


Ёндашувлар	Афзалликлари:	Камчиликлари:
Европа ёндашуви (UCITS):	Инвесторларни ҳимоя қилишнинг юқори даражаси, бу ишончни оширади ва кўпроқ капитални жалб қилади.	Оғир тартибга солиш: инновацияларни чеклаши ва кириш учун юқори тўсиқларни яратиши мумкин.
Америка ёндашуви:	Мослашувчанлик ва инновациялар, айниқса молиявий технологияларда замонавий ва динамик маблағларни жалб қилиш.	Ҳукуматга қарамлик: Баъзи штатларда сиёсий шароитлар ўзгарганда ҳукумат ёрдамига қаттиқ боғлиқлик хавф туғдириши мумкин.
Осиё ёндашуви:	Барқарорлик ва узоқ муддатли ўсишни таъминлайдиган фаол ҳукумат иштироки ва ёрдами.	Солиқ хатарлари: Солиқ қонунчилигидаги ўзгаришлар маблағларнинг жозибadorлигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Россиянинг Украинага бостириб кириши, Исроил-Ҳамас уруши, АҚШ ва Хитой ўртасидаги Тайван бўйича таранглик ва Қизил денгиздаги кемаларга

² <https://www.icifactbook.org/pdf/2024-factbook.pdf>

³ Муаллифлар ишланмалари асосида тузилган.

хужумлар туфайли халқаро савдодаги узилишлар билан боғлиқ глобал геосиёсий хавфларга қарамай, кутилганидан кўра яхшироқ макроиктисодий кўрсаткичларга эришилди.



2-расм. Инвестиция фондларига инвестицияларни жалб этиш механизми⁴.

Инвестиция фондларига инвестицияларни жалб қилишнинг турли хил ёндашувларнинг афзалликлари ва камчиликлари кўриб чиқамиз.

Жаҳон фонд бозорларидаги жорий ҳолат бевосита иқтисодиётнинг реал

⁴ Муаллифлар ишланмалари асосида тузилган.

сектори билан боғлиқ ҳисобланиб, илмий-техник жиҳатдан модернизациялашувни бошдан кечирмоқда ва такомиллашган электрон ҳамда коммуникация технологиялари кенг қўлланилмоқда. Фонд бозорларининг иқтисодиёт билан ўзаро алоқадорлигини таҳлил қилиш асосида юзага келиши кутилаётган иқтисодий ҳодисаларни баҳолаш ва прогношлаш долзарб масалалардан ҳисобланади. Фонд бозорларининг мамлакат иқтисодиёти билан алоқаси ЯИМ, инвестиция, жамғармалар, ишсизлик даражаси, инфляция даражаси ва бошқа кўрсаткичларга боғлиқдир.

Бундан келиб чиқиб инвестиция фондларига инвестицияларни жалб қилиш муҳим эканлигини кўришимиз мумкин.

Инвестиция фондлари фаолияти самарадорлигини баҳолашда ташқи ва ички омилларни инобатга олган ҳолда амалга ошириш зарур:

1. Ташқи баҳолаш:

ҳудуд иқтисодиётига кириб келган инвестицияларда агентлик томонидан жалб этилган молиявий ресурслар улуши;

агентлик томонидан жалб этилган инвестициялар ҳисобидан ташкил этилган янги иш ўринлари миқдори;

амалга оширилган лойиҳалар сони;

ҳудуд иқтисодиётининг устувор тармоқларида амалга оширилган лойиҳалар сони;

илмий ишланма ва инновациялар асосида жалб этилган ресурслар ҳажми.

2. Ички баҳолаш:

инвестицияларнинг ҳажми, ҳудуд иқтисодиётига қилган таъсири, инвестиция тури ва янги технологияларни қабул қилиш каби мезонларни инобатга олиш;

жалб этилган инвестициялар асосида молиялаштириладиган лойиҳани баҳолашда агентликнинг ўрнини эътиборга олиш.

Қайд этиш лозимки, агентлик ишини ташкил этишда инвестицияларни жалб қилишда инновацион усуллардан фойдаланиш зарур (2-расм).

Шу билан бирга, аҳолининг молиявий ҳолати молиявий ресурсларни инвестиция фондларининг маблағи сифатида шаклланиши учун муҳим кўрсаткичлардан бири бўлиб қолади. Бу жараёнда молия институтларининг фаолияти муҳимдир.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, инвестиция фондларига инвестицияларни жалб қилиш бўйича халқаро амалиёт хилма-хил бўлиб, қатъий тартибга солишдан тортиб, мослашувчан маркетинг стратегиялари ва фискал имтиёзларгача бўлган кўплаб ёндашувларни ўз ичига олади. АҚШ, Европа давлатлари ва бошқа мамлакатларнинг муваффақиятли мисоллари шаффофлик, диверсификация ва давлат томонидан қўллаб-қувватлаш комбинацияси

инвесторлар учун жозибатор муҳит яратиши мумкинлигини ко'рсатади. Келажакда инвестиция фондлари капитални жалб қилиш ва барқарор ўсишга эришиш учун илғор тажрибалардан фойдаланган ҳолда жаҳон иқтисодий манзарасидаги ўзгаришларга мослашишда давом этади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Султонбоева М.Б. Ўзбекистон Республикасида инвестиция фондларини ривожлантиришда хориж тажрибасидан фойдаланиш. Монография. – Т.: «Иқтисодиёт», 2014. – 112 б.
2. Sul-tonboeva M.B. Markaziy Osiyo mamlakatlaridagi ven-chur fondlar faoliyatini tahlil qilish - Science and Education, 2023
3. Sultabaeva Munira Bahodirovna, & Pulatova Mokhira Bakhtiyorovna. (2023). ANALYSIS OF THE BENEFITS AND CHALLENGES IN ATTRACTING FOREIGN INVESTMENT TO THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN. Spectrum Journal of Innovation, Reforms and Development, 15, 22–26. Retrieved from <https://sjird.journalspark.org/index.php/sjird/article/view/638>
4. <https://www.icifactbook.org/pdf/2024-factbook.pdf>